



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
Қ А Р О Р И

№ 997

20 22 й. " 24 " сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши  
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни  
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. **Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроқулов)** ҳамда **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев)** мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. **Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.**

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк раиси**



**М.Б. Нурмуратов**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2022 йил “24” сентябрдаги  
21/8 - сонли қарорига  
6 – илова  
№ 997

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида  
контрагентларни ўрганишга оид**

**ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги ташкилотлари (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий ўрганишнинг (кейинги ўринларда - контрагентларни ўрганиш) асосий талаблари, тартиби ва усуллари белгилайди.

2. Контрагентларни ўрганишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Марказий банк тизими ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз контрагент билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.

3. Контрагентларни ўрганиш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.

4. Қуйидаги ҳолларда контрагентларни ўрганиш амалга оширилмаслиги мумкин:

тасарруфдаги ташкилотлар ўзаро шартномавий муносабатга киришса;

коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (электр, газ, сув, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти ва бошқалар), шунингдек нархи (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (иш, хизмат) етказиб берувчи;

табiiй монополиялари корхоналари.

электрон дўкон шунингдек, ахборот технологиялари ривожланиши натижасида инсон иштирокисиз электрон тарзда амалга ошириладиган бошқа харид турлари (шакллари) бўйича.

5. Мазкур Йўриқномада “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**Ижрочи** - қонунчилик ҳужжатларида белгиланган харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказилишига масъул таркибий бўлинма (масъул ходим) ҳамда Ички назорат тузилмаси;

**контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар)** - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу контрагентга кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг ҳаракатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

**ташаббускор** - харид бўйича ташаббус билан чиққан таркибий бўлинма.

## **2-боб. Ўрганиш учун маълумотларни олиш ҳамда ўрганишни амалга ошириш тартиби ва ахборот манбалари**

6. Ўрганиш харид жараёнида иштирокчилар таклифлари маълум бўлганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб-таомилларини бажариш даврида амалга оширилади. Бунда, тендер ҳамда энг яхши таклифларни кўриб чиқиш (конкурс) шаклида ўтказилган харидларда техник параметрларни баҳолаш муддатларида, шунингдек, аукцион шаклида ўтказиладиган харидлар эълон жойлаштирилгунга қадар ўрганилади.

7. Ижрочи томонидан харид жараёнлари иштирокчилари ва контрагентлардан қуйидаги маълумотлар сўраб олинishi мумкин:

йўриқноманинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ контрагентнинг бенефициар эгаси тўғрисидаги маълумот;

йўриқноманинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ҳужжатлар тўплами;

заруратга кўра аниқлаштирувчи қўшимча маълумотлар.

8. Ижрочи томонидан қуйидаги ҳужжатлар ўрганилади:

контрагентнинг бенефициар эгаси тўғрисидаги маълумот;

контрагент тақдим этган ҳужжатлар, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилган ички ҳужжатлари (мавжуд бўлса);

заруратга кўра аниқлаштирувчи қўшимча маълумотлар.

Бундай маълумотлар харид қилиш ҳужжатлари (техник талаблари) таркибига харид иштирокчилари томонидан тақдим этилиши лозим бўлган алоҳида сўровлар шаклида олинishi мумкин.

9. Контрагентни ўрганишда контрагент, унинг бенефициар эгаси, раҳбари, фаолияти тўғрисида яхлит ва ҳолис фикрга эга бўлиш, шунингдек, олинган ҳужжат ва маълумотларнинг ишончилиги баҳоланиб, қуйидагилар таҳлил қилинади:

контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларни;

очиқ ахборот манбалардан олинган маълумотларни;

ваколатли ташкилотларга юборилган сўровнома натижаларини;

Марказий банкнинг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентларни ўрганиш реестри, ходимларининг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар.

10. Заруриятга кўра, ижрочи контрагентларни жойига чиқиб ўрганиши мумкин. Бунда ижрочи ўз бўлинмаси раҳбари билан келишиши лозим.

### **3-боб. Ўрганиш йўналишлари**

11. Контрагентларни ўрганиш қуйидаги йўналишлар бўйича тавсия этилади:

контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихи;

контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори;

манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги.

Ўрганиш йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

12. Ўрганиш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим.

13. Шартномавий муносабатларда бўлган контрагентни ўрганишда аввалги шартномавий муносабатлардаги тажриба ва унинг аввалги шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллиги ўрганилади.

Янги контрагентни ўрганишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияларни таҳлил қилиб, бошқа мижозлар олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигига эътибор берилади.

14. Контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини ўрганиш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни имкон даражасида аниқлайди:

тадбиркорлик субъектининг юридик ва амалдаги манзили;

раҳбари ва таъсисчилари;

фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган тўлов қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;



зарур лицензия (рухсатномалар) мавжудлиги;  
очик ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни акс эттира олиши;  
инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;  
солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

15. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини ўрганишда қуйидаги маълумотларга эътибор қаратади:

очик ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкӣ эгалари, шу жумладан бенефициар мулкӣ эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги.

16. Контрагент бўйича манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

контрагентнинг бенефициар эгаси ва раҳбари хариднинг бошқа иштирокчилари билан алоқадор, шу жумладан, яқин қариндош эмаслиги;

харид жараёнида иштирок этувчи ходимлар ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагент билан мулкӣ ёки бошқа тарзда боғлиқ эмаслиги, яъни аффилиланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шароитлар.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини ўрганишда контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини декларациялаш доирасида Марказий банк ходимлари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширилади.

#### **4-боб. Ўрганиш натижаларини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш**

17. Ўрганиш натижалари бўйича ижрочи йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумот расмийлаштиради. Маълумотга таҳлил ва тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади. Заруратга кўра, маълумотнинг шакли такомиллаштирилиб борилади.

18. Манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган ҳолларда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун ижрочи харид комиссиясини ҳамда Ички назорат тузилмасини хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чоралар маълумотда акс эттирилади.

19. Ўрганиш маълумоти харид ҳужжатлари пакетига илова қилинган ҳолда харид комиссиясига тақдим этилади. Харид бўйича қарор қабул қилишда комиссия маълумотда келтирилган ҳолатларни ҳисобга олади.

20. Ўрганиш маълумоти асосида Ички назорат тузилмаси томонидан йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги “Харид жараёнлари иштирокчиларини/контрагентларни ўрганиш реестр”га (кейинги ўринларда – Ресеестр) ёзув киритилади.

21. Контрагентларни ўрганиш реестри ва ўрганишда олинган ҳужжатлар Ички назорат тузилмасида сақланади ва улар конфиденциал ҳисобланади.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

22. Контрагентларни ўрганиш жараёни доимий равишда Ички назорат тузилмаси томонидан мониторинг қилиб борилади.

23. Давлат харидларини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилади.

**Департамент директори**



**Ш. Қуваталиев**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
тизимида контрагентларни ўрганишга оид  
йўриқномага 1-илова

якуний бенефициарлари тўғрисида

(ҳарид иштирокчиси) \*

**МАЪЛУМОТНОМА**

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Шахснинг роли (раҳбар / таъсисчи / якуний бенефициар)	Шахс раҳбар/ таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр	Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фоизда
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
...					

*\*сўнгги икки йил учун тўлдирилади*

*Ваколатли шахснинг*

*Ф.И.Ш.* \_\_\_\_\_

*Ҳарид иштирокчисидаги ваколатли шахснинг*

*лавозими* \_\_\_\_\_

*Маълумотнома тузилган*

*сана* \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
 тизимида контрагентларни ўрганишга оид  
 йўриқномага 2-илова

**Контрагентдан ўрганиш учун сўраладиган ҳужжатлар**

<i>m/p</i>	<i>Ҳужжат номи</i>	<i>Юридик шахс (ЮШ) / Якка тартибдаги тардбиркор (ЯТТ)</i>	<i>Янги контрагент</i>	<i>Жорий контрагент</i>
1	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	н/п
2	Солиқ ҳисобига қўйиш, шу жумладан СТИР тўғрисида маълумотлар	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
3	Юридик шахсларнинг ягона Давлат реестрига киритиш тўғрисида маълумот	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
4	Устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
5	Паспорт нусхаси	ЯТТ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
6	Ишончнома	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
7	Контрагент эгалиги тузилмаси, бунга бенефициар мулк эгаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча мулк эгалари киритилади	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
8	Сўнги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки сўнги ҳисобот йили учун аудиторлик хулосаси	ЮШ / ЯТТ	Мажбурий	Мажбурий
9	Кўрсатилган ишлар/хизматларни бажариш учун малакали кадрларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хат ва / ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мумкин)	ЮШ	Мажбурий	Ўзгариш бўлганда сўраб олиш
10	Мувофиқлик лицензиялари ва сертификатлари	ЮШ / ЯТТ	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий	Сотиб олинган товарлар/ишлар/хизматлар турига қараб мажбурий

**Контрагентни ўрганиш ҳақидаги маълумот**

<b>Харид предмети</b>	
1	Харид иштирокчиси номи
2	СТИР
3	Рўйхатга олинган сана
4	Юридик ва амалдаги манзили
5	Раҳбарнинг ФИШ
6	Таъсисчиларнинг ФИШ
7	Якуний бенефициарларнинг ФИШ

<b>№</b>	<b>Ўрганиш йўналиши</b>	<b>Маълум бўлган ҳолат</b>	<b>Изоҳ</b>
<b>контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихи</b>			
1	Иштирокчининг асосий фаолияти харид предметиға мос келиши		
2	Иштирокчига нисбатан жорий этилган қайта ташкил этиш, тугатиш (ликвидация), банкротлик тартиб-таомилларининг йўқлиги		
3	бошқа буюртмачилар олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажариши юзаисдан маълумотлар		
4	солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги		
	Бошқа маълумотлар		
<b>Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори</b>			
1	Иш соҳасидаги обрўсининг салбий омиллари эҳтимоли ҳақида маълумотлар		
2	ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги		
3	контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги		
4	Бошқа маълумотлар		

### Манфаатлар тўқнашуви ҳолати

1	Харид комиссия аъзолари билан аффилиланганлиги		
2	Марказий банк тизими ходимлари билан аффилиланганлиги		
3	Харид жараёнининг бошқа иштирикчилари билан аффилиланганлиги		
4	Бошқа маълумотлар		

Харид жараёни иштирокчисини ўрганишни амалга оширган ижрочи ҳақида маълумотлар  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_

Таркибий                      бўлинма                      номи                      ва                      лавозими

\_\_\_\_\_

Ҳисобот тузилган сана \_\_\_\_\_ Имзо \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
 тизимида контрагентларни ўрганишга оид  
 йўриқномага 4-илова

Харид жараёнлари иштирокчиларини/контрагентларни ўрганиш реестри

Т/р	Ўрганиш сўрови олинган сана	Ижрочи	Ташаббускор таркибий бўлинма номи	Контрагент номи	Контрагентнинг СТИР	Тақдим этилган ҳужжатлар	Шартнома муносабатларини ўрнатишнинг мақсади	Олдинги ўрганишлар ҳақида маълумот (санаси, ижобий/ салбий ҳулоса / дастлабки ўрганиш)	Аниқланган хавфлар	Ўрганиш ҳисобот санаси	Изоҳлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
...											